

киритишига ҳақлидир ва Буюртмачи тўловларни Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Кўмондони томонидан тасдиқланган тарифлари асосида тасдиқланган кунда бошлаб тўловларни амалга ошириши шарт.

3.2. Буюртмачи ҳар ойнинг 25 санасига қадар кўрсатилган хизмат учун тўлов суммасининг 100% миқдоридоги пулни Ижрочининг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3. “Ижрочи”нинг хизмат кўрсатиш нархлари энг кам иш хақи ўзгарганда, энергия ташувчилар, аппаратура, автотранспорт, алоқа хизматлари нархлари ўзгарганда янги тарифлар киритилиши сабабли қайтадан кўриб чиқилади.

3.4. “Ижрочи” хизмати учун ҳисоб-китоб қилишга ўз маблағлари бўлмаган ҳолда. “Буюртмачи” белгиланган муддатда юқори орган (ташкilotлар) марказлашган фондидан кўшимча маблағлар ҳисобига қарздорликни қоплайди.

3.5 “Ижрочи”нинг қўшимча хизматлари учун “Ижрочи”томонидан ҳисоб ёки билдириш берилганда “Буюртмачи” томонидан 10 кун муддатда ўтказиш йўли билан тўланади.

#### 4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

##### 4.1. Буюртмачининг мажбурияти ва ҳуқуқлари:

4.1.1. “Ижрочи” тавсиясига биноан ташвиш-сигнализацияси ўрнатиладиган жойларни аниқлайди.

4.1.2. Бегона шахсларга ташвиш-сигнализациясидан фойдаланиш ва “Объект”га белгиланмаган шартли рақам ҳақида маълумот бермайди.

4.1.3. Ташвиш-сигнализациясидан фойдаланиш коидаларига қатъий амал қилади ва унинг схемасига ўзгартириш киритмайди. Унинг носозлиги ҳақида ўз вақтида “Ижрочи”га хабар беради.

4.1.4. Кунига камида бир марта ташвиш-сигнализацияси ишлашини синаш учун “Ташвиш” сигналини бериб, синаб кўради. Бунда телефон орқали “Ижрочи” олдиндан огохлантирилади.

4.1.5. Ташвиш-сигнализацияси уланган телефон алоқаси ва электр таъминоти тармоқларини ўз вақтида таъмирлаш чора-тадбирларини кўради.

4.1.6. “Ижрочи” га белгиланган тўлов ҳисоби ва далолатномаси асосида қуйидаги тўловларни амалга оширади:

- “Буюртмачи” айби билан ишдан чиққан ташвиш-сигнализацияси аппаратурасини таъмири учун;

- Фойдаланиш муддати 5 йилдан ошган ташвиш-сигнализацияси аппаратурасини капитал ремонт қилиш учун ташвиш-сигнализацияси фойдаланиш муддати тугаган ёки уни модернизация қилиш учун мавжуд аппаратура ўрнига алмаштириш учун;

- “Буюртмачи” айби билан берилган сохта ташвиш хабар учун (объектни НБП навбатчи бошқарув пульти)ни хабардор этмаган ҳолда кўриқлашдан чиқариш, телефон дастагини нотўғри ҳолатда қўйиш, мазкур шартноманинг 4.1.3.моддаси талаблари бажарилмаганда) кўриқлаш нарядининг келишига, ҳар бир келиши бир ойлик тўлов ҳисобидан 15 % миқдорида жарима белгиланади.

##### 4.2. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

4.2.1. “Объект”ни “Буюртмачи” ўз маблағлари ҳисобига “Ижрочи”га тегишли “Ташвиш” сигнализацияси аппаратлари билан жихозлайди. Ўз ҳисобидан ташвиш-сигнализацияси воситаларини техник хизмати ва таъмирлашни амалга оширади, бундан “Буюртмачи” айби билан вужудга келган носозликлар мустасно.

4.2.2. Белгиланган тартибда “Объект”ни назорат қилиш учун қабул қилади ва “Ташвиш” сигнали берилганда 5 дақиқа ичида кўриқлаш наряди етиб келишини таъминлайди.

4.2.3. “Буюртмачи”ни “Ташвиш” сигнализациясидан фойдаланишга ўргатади ва уларга йўриқнома беради.

4.2.4. Ҳар бир сохта ташвиш сигнали ишлагани учун далолатнома тузилиб, 1 нусхаси “Буюртмачи”га берилади.

4.2.5. “Ташвиш” сигнализацияси аппаратурасидан фойдаланиш 5 йил муддатидан ошса, “Буюртмачи” ҳисобидан капитал таъмирлашни амалга оширади.